

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил “6” декабрь
564п -сон билан
ҚАЙТА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

Ўзбекистон суд бошқарувчилари
Ассоциацияси ПЖБнинг
Конференцияси
2019 йил “20” _____ 11 даги
сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

Тошкент 2019

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1 Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси (бундан буён матнда Ассоциация деб юритилади) жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида Ўзбекистон суд бошқарувчиларининг ҳолатини яхшилаш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2 Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.3 Ассоциация ўз фаолиятини ошкоралик, коллегиялик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида юритади.

1.4 Ассоциация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.


1.5 Ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Ассоциация бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

1.6 Ассоциация ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган рамзига, тегишли банкда ўз ҳисоб ва валюта рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

1.7 Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.8 Ассоциация белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўзининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар белгиланган тартибда тегишли ҳудудий адлия органларида давлат рўйхатига олинади. Шунингдек, улар юқорида номлари қайд этилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Устав ҳамда ташкилотнинг тегишли раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, йўриқномалар ва ваколатли раҳбар органи томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият юритади.

1.9 Ассоциациянинг фаолияти номуайян муддатга ташкил этилган.



1 10 Ассоциация ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат, давлат органлари, корхоналар ва муассасалар, таъсисчилар ва Ассоциация аъзолари ташкилотнинг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайдилар. Худди шунингдек, Ассоциация давлат, давлат органлари, корхона ва муассасалар ҳамда таъсисчилари ва иштирокчиларининг қарзлари ва мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1 11 Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси.

Рус тилида: Ассоциация судебных управляющих Узбекистана.

Инглиз тилида: «Association of judicial directors of Uzbekistan».

1.12. Ассоциация раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон кўчаси 45-уй.

1 13 Ассоциациянинг юридик манзили ўзгарган тақдирда, бу ҳақида уни рўйхатдан ўтказган органга хабар беради.

II. АССОЦИАЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1 Ассоциация тузилишининг мақсади Суд бошқарувчилари Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш масалалари билан шуғулланувчи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкротлик таомилларини бажарувчи мутахассисларнинг касбий фаолиятига ёрдам кўрсатишдир.

2.2. Қўйилган мақсадларини амалга ошириш учун Ассоциация турли давлат, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, касбий жамоалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва қуйидаги вазифаларни иаомилга оширади

- Ассоциация фаолиятини таъминлаш учун лойиҳаларни, дастурларни ишлаб чиқиш;

- Касбий хизматларнинг сифати билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда давлат идораларига уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қабул қилинишида кўмаклашиш;

- Ассоциация аъзоларининг аттестацияси орқали уларнинг касбий фаолиятини сертификатлашни амалга ошириш;

- Иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш масалалари билан шуғулланувчи ва банкротлик таомилларини бажарувчи мутахассисларнинг таълим олиши, малакасини оширишига ёрдам кўрсатиш;

- Иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш масалалари билан шуғулланувчи ва банкротлик таомилларини бажарувчи мутахассисларни тайёрлаш учун янги таълим дастурларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

- Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик таомилларини соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ва услубий

материалларни, шу жумладан иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш масалалари билан шуғулланувчи ва банкротлик таомилларини бажарувчи мутахассисларга касбий талабларни тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлган “Касбий фаолият стандартлари”ни ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишда ёрдам кўрсатиш;

- Ассоциация аъзоларига уларнинг касбий фаолиятида ёрдам кўрсатиш мақсадида маълумот йиғиш ва маълумот базаларини яратиш;

- Ўз аъзоларига иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш масалалари билан шуғулланувчи ва банкротлик таомилларини бажарувчи мутахассисларнинг касбига оид бўлган даврий маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

- Ассоциациянинг барча бўлинмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

- Ассоциацияга юклатилган мақсадларни амалга оширишда аҳоли, илмий жамоатчилик, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида ахборотни, жумладан услубий ахборотни тарқатиш;

- Ҳалқаро ва республика даражасидаги анжуманлар, конгресслар, семинарлар, кўргазмалар, тақдимотларни ўтказиш;

- Бошқа касбий жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотлар (баҳоловчилар, бухгалтерлар, аудиторлар, ҳуқуқшунослар, риэлторлар ва бошқа бирлашмалар) билан ҳамкорлик қилиш;

- Ўз ваколатлари доирасида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махсус касбий адабиётларни ва даврий нашрларни чоп этиш;

- Ҳалқаро тажрибани ўрганиш, бошқа давлатларнинг касбий бирлашмалари ва ассоциациялари ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ҳамда ҳамкорлик қилиш;

- Ассоциация вакиллариининг ҳалқаро анжуманларда, симпозиумларда иштирок этиши;

- Давлат ҳокимияти идоралари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ишида ва қарорларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ўз фаолияти доирасида иштирок этиш;

- Ўз ҳуқуқларини, ўз аъзоларининг касбий манфаатларини давлат ҳокимияти идораларида, суд органларида, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа жамоат бирлашмаларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш.

III. АССОЦИАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур Уставда, дастурий ҳужжатларда, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Ассоциация амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга.

- Ўз мақсади ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонунчилик билан белгиланган тартибда эркин тарқатиш;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;



- Ўз аъзоларининг қонуний манфаатларини давлат ва жамоат идораларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш;
- Суд бошқарувчилари фаолиятини ўрнатилган тартибда рейтинг асосида баҳолаш, уларнинг натижаларини ассоциациянинг веб - сайти ва оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;
- Суд бошқарувчилари томонидан қонун ҳужжатларига, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини мониторинг қилиш.

Шунингдек:

- Ассоциациянинг Устав вазифаларини амалга ошириш мақсадида хўжалик ширкатлари, жамиятлар, муассасалар ва бошқа хўжалик юритувчи ташкилотларни тузиш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;
- Хўжалик шартномаларини тузиш, бунда Ассоциация амалдаги қонунчиликка ва мазкур Уставга зид келмайдиган шартнома предмети, томонларнинг мажбуриятлари ва хўжалик ўзаро муносабатларининг бошқа шартларини эркин танлайди;
- Даврий нашрларни таъсис этиш ва нашриёт фаолиятини амалга ошириш, жумладан Ассоциация аъзолари учун қизиқарли бўлган масалалар бўйича илмий-услубий журнални нашр этиш;
- Ассоциация аъзолари учун касбий аксессуарлар ва адабиётларни (ҳисоботлар учун қоғоз, махсус нишонлар ва ҳоказо) реализация қилиш;
- Қонунчиликка мувофиқ суд бошқарувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини олиб бориш;
- Ассоциация аъзоларига унвонлар, малака даражаларини ва махсус нишонларни, малакавий сертификатларни бериш;
- Ҳалқаро жамоат бирлашмаларига кириш, бу ҳалқаро жамоат бирлашмаларининг мақомига мос бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш, бевосита ҳалқаро алоқаларни тутиб туриш, чет эл нодавлат нотижорат бирлашмалари билан келишувлар тузиш;
- Ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ давлат ҳокимияти идораларига таклифлар киритиш;
- Ассоциация лицензия (рухсатнома) талаб қилинадиган фаолият турларини тегишли тартибда лицензия (рухсатнома) олганидан сўнг амалга оширади.

3.2. Ассоциация қуйидагиларга мажбур

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ўзининг фаолият соҳасига оид бўлган ҳалқаро ҳуқуқнинг тамойиллари ва меъёрларини, шунингдек ушбу Уставда кўзда тутилган меъёрларга риоя қилиш;
- Ассоциация томонидан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни белгиланган тартибда хабардор қилиш ҳамда унинг вакилини тадбирларга эркин кириш имкониятини яратиш;

IV. АССОЦИАЦИЯНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

4.1 Ассоциациянинг раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:



- Умумий йиғилиш;
- Бошқарув,
- Назорат-тафтиш комиссия;

4.2 Умумий йиғилиш Ассоциациянинг олий органи ҳисобланади. Мазкур Умумий йиғилиш заруриятга қараб, аммо беш йилда камида бир маротаба чакирилади.

4.3 Умумий йиғилиш ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ассоциациянинг асосий йўналишларини аниқлаш, унинг режаларини ҳамда уларнинг ижроси бўйича ҳисоботларини тасдиқлаш.

- Ассоциация Устави, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тасдиқлаш;

- Ассоциация раисини 5 йил муддатга сайлаш;

- Бошқарув аъзолари сонини белгилаш ва ушбу белгиланган доирада Бошқарув аъзоларини 5 йил муддатга сайлаш ҳамда муддатидан олдин уларнинг ваколатини бекор қилиш;

- Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сонини белгилаш ва ушбу белгиланган доирада унинг аъзоларини 5 йил муддатга сайлаш ҳамда муддатидан олдин уларнинг ваколатини бекор қилиш;

- ассоциациянинг раҳбар органлари ҳисоботини тинглаш, уларга баҳо бериш ва тасдиқлаш;

- ассоциацияни қайта ташкил қилиш, фаолиятини тугатиш, тугатиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, тугатиш балансини тасдиқлаш;

- умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш;

- умумий йиғилиш ушбу Уставда қайд қилинмаган ва ассоциация фаолиятига дахлдор барча масалаларни кўриб чиқиши ва тегишли қарорлар қабул қилиши мумкин.

Умумий йиғилишда ассоциация аъзолари делегатларининг 50%+ 1 дан кам бўлмаган аъзолари иштирок этганда ҳуқуқий деб тан олинади.

Умумий йиғилиш ўтказиш учун зарур кворум бўлмаса, Умумий йиғилиш ўтказиш учун тўпланган делегатлар томонидан янги Умумий йиғилишни ўтказиш санаси эълон қилинади.

Умумий йиғилишда овоз бериш бир кишига – бир овоз тамойили асосида ўтказилади.

Умумий йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ташкил этилган ҳудудий бўлинмалардан делегатлар қатнашади. Делегатлар сони Бошқарув томонидан қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав доирасида белгиланади. Агар ҳудудлардаги аъзолар сони Бошқарув томонидан белгиланган делегатлар сонидан кам ёки тенг бўлса, мазкур аъзолар делегатликка сайланмаган ҳолда ўзлари Умумий йиғилиш делегати сифатида

иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Барча масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Навбатдан ташқари Умумий йиғилиш Ассоциация Бошқаруви қарорига асосан ўтказилади.

4.4. Умумий йиғилишлар оралиғида Бошқарув ижро этувчи ва раҳбар орган ҳисобланиб, у бир йилда камида икки мартаба ўтказилади.

4.5 Бошқарув таркибига Ассоциация раиси, унинг ўринбосарлари, маъсул ходимлари, Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари киради.

4.6 Ўзбекистон суд бошқарувчилари Ассоциацияси раиси ўз ўрнида Бошқарув раиси ҳисобланади.

4.7 Бошқарув ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

- ассоциация фаолиятининг истиқболли йўналишларини, Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг узоқ муддатли дастурларини тасдиқлаш;

- ўтган давр учун ассоциация фаолияти тўғрисидаги Ассоциация раиси ҳамда Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш;

- ассоциациянинг смета ҳаражатлари ва штат жадвалларини тасдиқлаш;

- ассоциациянинг мулкларини тасарруф этиш;

- ассоциацияга аъзо бўлишни истаган фуқаролар учун кириш ва йиллик аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш;

- ассоциация Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида қарорлар қабул қилиш, унинг кун тартиби, ўтказиш санаси, жойи, делегатларининг сони ва ҳудудлар бўйича тенг тақсимланган квотасини белгилаш;


- ҳудудий бўлинмалари ва ассоциация муассислигидаги бошқа юридик шахсларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш, низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Бошқарув Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ассоциациянинг таъсис ва бошқа ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамда Умумий йиғилиш ваколатига кирмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.

4.8 Ассоциация Бошқаруви ваколатига қирувчи масалалар ушбу Уставда ўзгача ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, ассоциациянинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.

4.9 Ассоциациянинг Назорат-тафтиш комиссияси (3 кишидан иборат) ассоциациянинг молиявий-хўжалик фаолияти, маблағларини мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширади.

- Комиссия раиси ва аъзолари ассоциациянинг бошқа фаолиятларида қатнашишлари, бошқарув ва раҳбар органлари таркибига киришлари мумкин эмас;



- Назорат-тафтиш комиссияси режа асосида бир йилда камида бир марта, шунингдек, Умумий йиғилиш ёки Бошқарув қарорлари асосида режадан ташқари тафтиш қилади;

- Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Устав асосида амалга оширади;

- Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти юзасидан ҳисоботлар Умумий йиғилиш ёки Умумий йиғилиш оралиғида Бошқарув томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

4.10 Бошқарув раиси ассоциациянинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади. Бошқарув раиси қуйидаги ваколатларга эга.

- Ассоциациянинг жорий фаолияти бошқарувини амалга оширади, юридик ва жисмоний шахслар билан ассоциация номидан шартномалар тузади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда лавозим маошларини, устама ҳақларини, тоифа учун қўшимча тўловларни ва рағбатлантирувчи бошқа тўловларни белгилайди;

- молиявий, банк, ҳисобот ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзони қўйади;

- ассоциация номидан ишончномасиз ҳаракат қилади ҳамда ассоциация номидан ишончномалар беради;


- ассоциациянинг ходимлари ва ишчиларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

4.11 Ассоциация раиси йўқлигида унинг вазифасини вақтинчалик Ассоциация раиси ўринбосари амалга оширади.

V. АССОЦИАЦИЯГА АЪЗО БЎЛИШ ВА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1 Ассоциацияга аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқариш Ассоциация раиси ёки ҳудудий бўлинмалари раислари номига ёзилган ариза орқали амалга оширилади. Аъзоликка қабул қилиш ва ихтиёрий аъзоликдан чиқариш бўйича Ассоциация раиси ёки ҳудудий бўлинмалари раислари томонидан буйруқ чиқарилади.

Ассоциацияга мазкур Уставни тан олган ва ҳурмат қилган, 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва меҳнат жамоалари аъзо бўлишлари мумкин. Ассоциациянинг барча ходимлари, аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари тенг равишда ҳимоя қилинади.



Мазкур Уставнинг 6.2-бандида қайд этилган аъзолик мажбуриятларини кўпол равишда бузган аъзолар Бошқарув қарорига асосан аъзоликдан чиқарилиши мумкин.

VI. АССОЦИАЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 Ассоциация аъзоларининг ҳуқуқлари қуйдагилардан иборат:

- ассоциациянинг раҳбар органларини сайлаш ва уларга сайланиш;
- ассоциация томонидан ўтказилаётган тадбирларда қатнашиш;
- ассоциация фаолиятини яхшилаш бўйича раҳбар органига таклифлар киритиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

6.2 Ассоциация аъзоларининг мажбуриятлари қуйдагилардан иборат:

- ассоциация ҳужжатларида ва ушбу Уставда белгиланган талабларга амал қилиш ва олган мажбуриятларни бажариш;
- ассоциация фаолиятини олиб боришда ҳар томонлама кўмаклашиш;
- ассоциация томонидан ўтказиладиган кўргазмалар, турли тадбирларда фаол иштирок этиш;
- белгиланган миқдорда кириш ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;
- белгиланган муддатларда ўқиш ва қайта малакаларини ошириш.

VII. АССОЦИАЦИЯНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

7.1 Ассоциация, унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа тузилмаларининг мазкур Уставда қайд этилган фаолиятларини олиб борилишини моддий ва молиявий таъминлаш учун бинолар, турар-жой, транспорт воситалари, оргтехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари ва бошқаларга эгалик қилишлари мумкин. Шунингдек, Ассоциация ва унинг таркибидаги бўлинмалар ва бошқа тузилмаларнинг мулклари Ассоциациянинг умумий мулки ҳисобланади.

7.2. Ассоциация маблағларининг (пул, мулк ва бошқа шаклда) шаклланиш манбалари қуйдагилардан иборат:

- кириш ва аъзолик бадаллари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий равишда берган хомийлик маблағлари ва мулклари;



- Уставга асосан семинарлар, маърузалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказишдан тушган маблағлар;
- ассоциация таркибида тузилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятлардан тушадиган даромадлар;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

7.3 Ташкилотнинг мол-мулклари Бошқарув қарорига асосан тасарруф қилинади.

VIII. АССОЦИАЦИЯНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКНИ БОШҚАРИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1 Ассоциация белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўзининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар белгиланган тартибда тегишли ҳудудий адлия органлари томонидан давлат рўйхатига олинади. Ассоциация бўлинмалари ўз фаолиятларини мазкур Устав ҳамда Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низом асосида амал оширади.

8.2 Ассоциация бўлинмалари ҳамда бошқа таркибий тузилмаларининг мол-мулклари Ассоциация мулки ҳисобланади.

8.3 Таркибий бўлинмаларни тузиш, ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мол-мулкларини бошқариш борасидаги ҳуқуқлари уларнинг низомларида белгиланади.

IX. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

9.1 Ассоциация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ, статистика ва қонунчиликда белгиланган бошқа органларга белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

X. АССОЦИАЦИЯНИНГ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1 Ассоциация Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

10.2 Ассоциация Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эга бўлади.



XI. АССОЦИАЦИЯНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ

11.1 Ассоциация фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

XII. АССОЦИАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

12.1 Ассоциацияни қайта ташкил этиш Умумий йиғилиш қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Ассоциацияни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12.2. Ассоциацияни тугатиш Умумий йиғилиш қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

12.3 Ассоциацияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Умумий йиғилиш Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

12.4 Ассоциацияни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12.5 Ассоциация тугатилганда кредиторларнинг талаблари кондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот аъзолари, шунингдек раҳбар органларининг аъзолари ёки Ассоциация ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан Устав мақсади йўлида ёки хайрия мақсадларида фойдаланилади.

Исраилов Эргашов Бухарович

